

**ИНГЛИЗ ТИЛИ АМАЛИЙ КУРСИ КАФЕДРАСИ ЙИҒИЛИШИ №-**  
**БАЁННОМАСИДАН**  
**КУЎЧИРМА**

**30.11.2021.**

**Қатнашдилар:**

Факултет декани проф. А.Маматов.

Кафедра мудири: доц.в.б. Узоқова Ш.,

ва кафедра аъзолари

**Кун тартибида:**

1. Кафедра ўқитувчиси **Н.Игамбердиева** 752-20 –гуруҳда “Тил амалйоти куникмалари” фанидан “**Antonyms,homonys and synonyms**” мавзусидаги очик дарси муҳокамаси.

**Сўзга чиқдилар :**

**Кафедра мудири доц.в.б. Узоқова Ш., :** Ҳурматли ўқитувчилар сизларга маълумки Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги қарорлари ҳамда кафедранинг 2020 – 2021 ўқув йили учун режалаштирилган очик дарслар юзасидан кафедрамизда навбатдаги очик дарс ўтказилди. Очик дарс кафедрамиз ўқитувчиси **Н.Игамбердиева** “**Antonyms,homonys and synonyms**” мавзусида бўлиб ўтди. Очик дарсининг ўтилишини ҳолисона баҳолаш учун сизлардан ушбу очик дарс юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларингизни билдиришингизни сўрайман.

**Катта ўқитувчи Р. Норбекова :** Давлатимиз томонидан чет тилларни ўқитишга ва ўрганишга яратиб берилган шарт-шароитлардан барчамиз шод бўламиз.Айнан шундай шарт-шароитларни факультетимизда ҳам учратамиз.Бунга яккол намуна сифатида бугунги очик дарсни келтиришимиз мумкин.. Ўқитувчи ва талаба муносабати самимий бўлди.Дарс давомида мультимедия воситаларидан самарали фойдаланилди. Дарсда талабаларни **гуруҳ ва ҳамкорликда** ишлашларига имконият яратилди.Иш камчиликсиз бўлмайди албатта.Дарсда гуруҳлар билан ишлаганда барча ўқувчиларни бирдек мавзуга жалб қилиш лозим. Суст талабалар унчалик иштирок этмади..Кейинги дарсларда ўқитувчи буни инобатга олади деб умид қила

**Ўқитувчи Баҳридина Д.:** Мен ҳам президентимизнинг 2012-йил 10-декабрдаги қарори ўқитувчилар олдида ўз касбларига бўлган маъсулиятини янада ошириш ҳамда дарсларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган, ахборот технология воситаларидан, мультимедия ва электрон дарсликдан фойдаланишдек маъсулиятни юклайди деб ўйлайман. Шу фикрдан келиб чиққан ҳолда Н.Игамбердиева. ҳам очик дарсни компьютер технологиялари ва слайдлардан фойдаланиб ўтди. Бундан ташқари очик дарс давомида “Grammar-Translation” методининг келиб чиқиши ва унинг дарс жараёнида чет тилларини ўрганишдаги аҳамияти ҳақида гапирди. Дарс давомида қўллаган турли методлари жумладан, **“Broken sentences”, “Case Study”** усуллари жуда қизиқарли бўлди

**Ўқитувчи Ҳамидова С.:** Мен ҳам юқорида билдирилган фикрларни қўллаган ҳолда шуни таъкидлаб айтаманки, дарс ўта маъсулият билан режалаштирилган. **“Right Word ,Wrong Place”, “Memory Game”** усуллари талабаларнинг қизиқишини оширди. Талабалар мустақил ишладилар ва ҳамкорликда иш олиб бордилар, ўқитувчи бу билан интерфаол усулларнинг афзал томонлари очиб берди деб ўйлайман.

**Кафедра мудури доц.в.б. Узоқова Ш.:** Н.Игамбердиева. ўзининг дарсга булган масулиятини кўрсата билди. . Бугунги очик дарс масаласига келсак, албатта ўқитувчи тажрибасига боғлиқ бўлган камчиликка қарамасдан, дарс менга ёқди, ўқитувчининг нутқи равон , ўқитувчи дарс жараёнида шундай дўстона атмосфера ярата олдики, талабалар эркин гапирдилар ва дарсда фаол қатнашдилар.

Очик дарс муҳокамаси юзасидан кафедра ўқитувчилари Тўраева М., Умарқулова М. ва бошқалар сўзга чиқишди ва дарс ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

### **Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда кафедра**

#### **йиғилиши қарор қилади:**

1. Кафедра стажор ўқитувчиси Н.Игамбердиева 752-20 –гuruhда “Тил амалйоти куникмалари” фанидан “Antonyms, homonyms and synonyms” мавзусидаги очик дарси яхши деб топилсин.

**Кафедра мудури:**

**доц. в.б Ш.Узоқова**

**Маъсул :**

**Б. Жумаева**



